

ДУОБДА ҲАМ КЎПРИК ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ



Хабарингиз бор, бир вақтнинг ўзида Дехқонобод туманининг тоғли Бошчорбоғ, Чилгаз ва Сарчашма МФЙ худудларига элтувчи йўллар ва кўприкларни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Куни кеча Дуоб қишлоғи ҳудудида ҳам қурилиши режалаштирилган кўприкнинг дастлабки қурилиш ва монтаж ишлари бошлаб юборилди.



Дастурга кўра, мазкур кўприк қурилиши учун давлат бюджетидан 3 миллиард 178 миллион 300 минг сўм ажратилган.

Лойихага асосан, ушбу кўприкнинг узунлиги 18 метр, эни эса 7 метрни ташкил этади. Унда бир томонлама пиёдалар йўлакчаси ҳам ташкил этилмоқда.



Бу қишлоқ аҳолиси учун анча қулайлик яратиб, ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам пиёда ва транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишга хизмат қилади.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуот хизмати